

ХАР ГҮШАДА  
БАЙРАМ  
ШУКУХИ

3-бет

ХАЗОНГА  
АЙЛАНГАН  
БОЛАЛИК

7-бет

ҚОРАМУРТ –  
ҮФЛОНЛАРИ  
ЧЕМПИОН!

8-бет



TURKISTAN

# Жанубий Қозғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2024 йил 14 сентябрь, шанба, №102-103 (3448-3449).

>> Жараён

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ GLENCORE  
КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ  
ГАРИ НЕЙГЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Учрашувда Қасим-Жўмарт Тўқаевга Glencore  
фаолияти якунлари ва келгуси давр учун режа-  
лари ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, компаниянинг мамлакат төғ-кон, ме-  
таллургия ва энергетика соҳаларидаги фаолиятининг  
асосий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президент экологик меъёларга қатъий рио қилиш,  
ишлаб чиқариш жараёнга илғор технологияларни жорий  
этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Akorda.kz.



## АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЛАҲЗАЛАР

ҚОЗҒИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАР  
В БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР  
ҮЙИНЛАРИДАГИ ЧИҚИШЛАРИНИ  
27та ОЛТИН МЕДАЛЬ  
БИЛАН ЯКУНЛАДИ

Пойтахтдаги “Қазмедиа” марка-  
зидаги В Бутунжажон кўчманчилар  
үйинларининг қозоқ курашига  
багишланган якуний матбуот анжу-  
мани ўтди.

Унда Италия услублар федерацияси президенти Джорджио Витто-  
рио, Qazaq Kuresi ҳажжамиятия бош  
директори Дамир Бекбўсинов, қозоқ  
кураши бўйича Қозғистон терма жа-  
моаси бош мураббийи Фани Келди-  
кулов ва 60 килогага вазн тоифаси  
ғолиби, спортчи Мейиржан Береке-  
тов иштирок этди. Учрашувда турли  
мусобабалар якунлари муҳокама  
қилинди, қозғистонлик спорчилар-  
нинг ютуқлари таъкидланди.

– Қозғистон полвонлари В Бутун-  
жажон кўчманчилар үйинларida 15та  
медаль қўлга киритди. Шу жумладан,

12таси олтин, 1таси кумуш ва 2таси  
бронза медалидир. Бу муваффақият  
қозғистонлик полвонларнинг жаҳон  
майдонларидаги нуфузи ва шон-  
шуҳратини оширади, – деди Қозоқ  
кураши бўйича миллий терма жамоа  
бош мураббийи Фани Келдикулов.

### ҚОЗҒИСТОН КЎПКАРИ БЎЙИЧА ҲАМ ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИДИ

Натижада Қозғистон терма жа-  
моаси олтин медаллари сони 27та-  
га етди ва умумжамоа ҳисобида  
биричинчи ўринни егаллади. Бундан  
ташқари, мамлакат ҳисобида 17та  
кумуш ва 23та бронза, жами 67та  
медаль мавжуд.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳи-  
собида 11та олтин, 12та кумуш, 9та  
бронза (32та) медаль бор. Қирғизис-  
тон спортчилари 10та олтин, 13та  
кумуш, 15та бронза (38та) медаль  
билин кучли училцдан жой олди.

Бутунжажон кўчманчилар үйинла-

рида Қозғистон кўпкарничилари  
Қирғизистон терма жамоасини  
мағлуб этиб, олтин медални қўлга  
киритди.

Бутунжажон кўчманчилар үйин-  
лари дирекцияси кўпкари ва кўк бўри  
ўйналишларида совринли ўринлар  
учун кўйидаги мукофотларни белги-  
лаган:

1 ўрин учун – 10 млн тенге;  
2 ўрин учун – 6 млн тенге;

3 ўрин учун – 4 млн тенге.

Шунингдек, “Кўк бўри” Республика  
федерацияси президенти Бауржан  
Абдирашитов номидан кўйидаги сов-  
рин жамғармаси таъсис этилди:

Кўпкарида биричинчи ўрин учун ҳар  
бир спортич ва мураббига – 5 млн  
тенгедан;

Кўк бўри бўйича биричинчи ўрин  
учун ҳар бир спортич ва мураббига –  
10 млн тенгедан мукофот олади.

24.kz.



## МИЛЛИОНЕР ЎҚУВЧИЛАР

ҚОЗҒИСТОНЛИК МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЖАҲОН  
ОЛИМПИАДАЛАРИДА ГОЛИБ БЎЛГАНИ УЧУН  
5,5 МИЛЛИОН ТЕНГЕ МУКОФОТ ОЛАДИ

ТОП-7 нуфузли олимпиадаларда совринли ўринларни  
қўлга киритган 26 нафар қозғистонлик мактаб ўқувчи-  
ларига пул мукофотлари топширилди. Мукофотнинг  
умумий миқдори 77,5 миллион тенгедан ошади, деба хабар  
беради ҚР Маориф вазирлигининг матбуот хизмати.

Мактаб ўқувчилари ўртаси-  
даги сўнгги заковат беллашув-  
ларида Нью-Йоркда ўтказилган  
нуфузли Коперник халқаро  
математика олимпиадасида қо-  
зғистонлик мактаб ўқувчилари  
29ta медални қўлга киритди.

Ўқувчи олтин медалга эришса,  
тайёрлраган ўқитувчи учун  
асосий иш ҳақининг 26,5 ба-  
равари, кумуш медалга эришса –  
17,5 баравар, бронзага эришса

– 8,5 баравар миқдоридаги пул  
мукофоти берилади. Бундан  
ташқари, халқаро олимпиада-  
лар голибларига ҳам Қозғистон-  
нинг исталган олий ўқув юр-  
тига ўқишига кириш учун таълим  
грантлари берилади.

Мукофотнинг умумий миқ-  
дори 77,5 миллион тенгедан ошади.  
Мукофотни 5,5 миллион тенг  
билин таъсислашади.

24.kz.

## ЙЎЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР



Тулкибон тумани, Чакмоқ бо-  
бо қишлоғи худудида жойлаш-  
ган халқаро аҳамиятга молик  
автомобиль туннели ер ости  
йўлини фойдаланишга топ-  
шириш маросимида ҚР Транс-  
порт вазири ўринбосари Сатжан  
Аблалиев, вилоят ҳокимининг  
биричинчи ўринбосари Зулпихар  
Жўлдасов, Жамбиль вилояти ҳокими  
ўринбосари Қанатбек Мадибек, соҳа  
мутахассислари ва иккى вилоят оқсо-  
қоллари иштирок этди.



Муҳим иншоотнинг очилиши тадби-  
рида транспорт вазири ўринбосари  
аҳолини шодиёна билан кутлаб,  
соҳада амалга оширилаётган ишларга  
тұтқалди.

– Ушбу ер ости йўлининг очилиши  
қозғистон транспорт инфраструк-  
тураси миқдори 150 км-ни атасып  
табада оширади. Туннель ту-  
файли ҳайдовчилар қишида дөвонда  
кор остида қолиб кетмайди, – деди  
С. Аблалиев.

Ингилсанларни вилоят ҳокимининг  
биричинчи ўринбосари Зулпихар Жўлда-  
сов ҳам таъбиқлади.

Туннелнинг узунлиги 840 метр.  
Ташкид қиласи. Кенглиги – 11 метр,  
бандылдиги – 8 метр.

Хавфисизликни таъминлаш учун  
ҳар иккى томонида ёритиш, ша-  
моллатиш ва бошқару хона-  
лари мавжуд. Бундан ташқари,  
туннелда видеокөзатуvin  
ва ёнгидан химоз қилиш  
тизимлари ўрнатилган бў-  
либ, бу вазияти кузатиш  
имконини беради.

Тадбир давомида тран-  
спорт вазири ўринбосари С.  
Аблалиев соҳа ривожига  
салмоқли ҳисса кўшган ва  
фоат мөхнат қилаётган бир  
гурух фуқароларга кўкрак нишо-  
нини топшириди ва ташаккурнома-  
лар билан тақдирлади.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.













